Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**21.01.2022 даги**

**ASL GOSHT SERVICE mahsulotlari x/k ва Яккабоғ туман МТБ (Центр) ўртасида 286907400,00 сўм умумий суммага тузилган 2 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 251

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860102507091100251028

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4252300 | | | |
| Январь | 286 907 400,00 | | | 286 907 400,00 |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **286 907 400,00** | | | **286 907 400,00** |

Жами 286907400,00 сўм — Икки юз саксон олти миллион тўққиз юз етти минг тўрт юз сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 86072220,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан 30 % ***2022 йил январ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ____________ (имзо) Рузиева Матлуба Исматовна Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ____________ (имзо) Темиров Халимжон Хакимович Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ____________ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ____________ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

## ОЛДИ СОТДИ ШАРТНОМА № 2

2022 йил 21 январ Яккабоғ тумани

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Яккабоғ мактабгача таълим бўлими номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи М.Рўзиева томонидан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи "Асл гўшт сервис махсулотлари" хусусий корхонаси номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи З.Шералиева бошка томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. МАХСУЛОТЛАР НОМИ

| т/р | Махсулотлар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мол гўшти | кг | 4703.4 | 61000 | 286 907 400 |
| | Жами | | | | 286 907 400 |

**(Икки юз саксон олти миллион тўққиз юз етти минг тўрт юз ) сўм**

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1 "БУЮРТМАЧИ" мазкур шартномани Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар куни ичида конунчиликка мувофик, шартноманинг умумий суммасидан 30% миқдорини олдиндан тўлаш мажбуриятини олади. Қолган 70% ини товарни олгандан сўнг 10 календар куни ичида кабул қилиш топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва бошкалар асосида тўлайди.

2.2 "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли хисоб варағига келиб тушган кундан бошлаб ушбу озик-овкат махсулотларини тўлик жамғаради ва эхтиёжга караб товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3 "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" амалдаги шартнома шартларига мувофик махсулотларни етказиб бериши шарт.

2.4 "БУЮРТМАЧИ" товарни кабул килишда "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" иштирокида олинаётган товарларнинг тўликлигини, сифатини мавжуд талабларга мувофиклигини текшириши шарт.

2.5 Агар мазкур шартнома билан бошка холатлар ккзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" хисобидан амалга оширилади.

2.6 "БУЮРТМАЧИ" нинг розилигига асосан махсулотлар муддатидан аввал етказиб берилиши мумкин.

2.7 Етказиб берилган махсулотлар бевосита "БУЮРТМАЧИ" нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул килинади ва ундан етказиб берилган махсулотларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8 Мазкур шартномада кўзда тутилган махсулотларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 "БУЮРТМАЧИ" нинг хукуклари:

"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

"БУЮРТМАЧИ" хисобидан махсулотлар ташиб келтирилганда, "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" дан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб килиш, агар мазкур шартномада бошка холатлар белгиланмаган бўлса.

"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" дан "БУЮРТМАЧИ" томонидан таклим килинган талабномага кўра мазкур шартномага мувофик тегишли сифат, ассортимент бўйича махсулотларни етказиб беришни талаб килиш;

Сифатсиз махсулот етказиб берилганда ўз ихтиёри билан куйидагилардан бирини талаб килиш:

-тегишли сифатдаги шунга ўхшаш махсулот билан алмаштириб бериш.;

-камчиликларни беғараз бартараф этиш;

-"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"дан мазкур шатнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб килиш;

3.2 "БУЮРТМАЧИ" нинг мажбуриятлари:

-Мазкур шартномага асосан мувофик ўзининг талабномаси бўйича етказиб берилган товарларни кабул килиш;

-Махсулотларнинг кийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш;

3.3 "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" куйидаги хукукларга эга:

-"БУЮРТМАЧИ"дан олдиндан тўлов етказиб берилган махсулотлар учун якуний хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва хажмларда амалга ошириш талаб килиш;

-"БУЮРТМАЧИ" дан талабномага мувофик етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган зарарларни коалаб беришни талаб килиш.

3.4 "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" нинг мажбуриятлари:

-"БУЮРТМАЧИ" га махсулотларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;

-агар махсулотларни етказиб бериш жараёнида "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" шартнома шартлари ва меъёрларидан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чикишга йўл кўйган холларда "БУЮРТМАЧИ" нинг талаби бўйича 5 кун муддат ичида барча аникланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5 Мазкур шартномада белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси нинг амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6 Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларини ижросини таъминлаган такдирда шартнома бажарилагн хисобланади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1 "БУЮРТМАЧИ" :

- махсулотларни етказиб бериш учун тадбиркорлар томонидан такдим этилган хужжатларнинг ишончлилигига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофиклиги;

- махсулотларни етказиб бериш учун тадбиркорлар ўртасида тендер ўтказиш ва ғолиб бўлган тадбиркор яъни "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" билан шартнома тузиш ёки шартнома тузишни рад этиш муддатларига риоя этилиши.
- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида шартнома хужжатларининг асл нусхаларини сакланиши жавобгарлигини олади.

4.2 Махсулотларни танлаб олмаслик, шунингдек "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда махсулотларни олтшни асоссиз равишда рад этганлик учун "БУЮРТМАЧИ" "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"га танлаб олинмаган , яъни ўз муддатида олинмаган махсулотлар кийматининг 5% и микдорида, тез бузиладиган махсулотлар бўйича эса 10 % микдорида жарима тўлайди.

Махсулотларни танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" жарима ундиришдан ташкари, ушбу махсулотларни такдим этган холда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) махсулотлар киймати тўланишини талаб килишга хаклидир.

4.3 Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида махсулотлар хакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини такдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни такдим этмаганлик ва х.к) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 % микдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган махсулотлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун "БУЮРТМАЧИ" "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"га ўтказиб юборилган хар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 % микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.4 "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ":
- Махсулотлар хариди учун такдим этган хужжатларининг ишончлилиги;
- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган махсулотларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" талабномалари шартларининг "БУЮРТМАЧИ" талабномаларида назарда тутилган шартларга мувофиклиги;
- шартнома шарларининг бузилганлиги;
-тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5 Агар етказиб берилган махсулотлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (этолонларга) конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгилнган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи)махсулотларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" дан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар кийматининг 20 % и микдорида жарима ундириб олишга, агар махсулотлар хаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6 Махсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган,махсулот "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" БУЮРТМАЧИга кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5 % и микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар хизматлар бахосининг 50%идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни махсулотларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

## 5 НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2 Томонлар келишмовчилик ва бахсларни хал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожат килишга хаклидир.

5.3 Томонлар хўжалик судига мурожат килган такдирда, Суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чикилади.

## 6 ФОРС-МАЖОР

6.1 Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги холатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажарасмасликдан кисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлик бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғокчилик ва бошкалар) ёки ижтимоий-иктисодий холатлар (уруш холати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни такиклаш ва бошкалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга кабул килинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавкулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан кайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дархол иккинчи томонга бу хакда 10 кун ичида ушбу холатлар харакати сабабини далиллар билан такдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро килиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлар давом этиш муддатига кадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортикрок давом килса, томонлар ташшаббусига биноан шартнома бекор килиниши мумкин.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

## 8 КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

8.2 Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхталиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминланган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3 Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9 ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Етказиб берувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **"Асл гўшт сервис махсулотлари" х/к** | **Яккабоғ туман МТБ** |
| Адрес: **Яккабоғ т. Эзгулик кўча. 19 уй** | Адрес: **Яккабоғ туман А.Темур кўчаси** |
| | Тел./факс 91-135-53-71 |
| х/р:20208000905418473001 | ш/хв:**100022860102507091100251028**<br>**400522860102507091100251030**<br>**400722860102507091100251031** |
| Банк номи: ДАТ Халк банки Яккабоғ фил. | **ИНН 305156656** |
| МФО00691 ИНН 308718150 | **ОКОНХ 81114** Узб. Рес. МВГ. |
| ИФУТ 10111 | **Яккабоғ туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси**<br>**СТИР 201122919** МФО00014Тошкент.ш МББ<br>**ХККМ х/р:23402000300100001010** |
| Раҳбар ____ **З. Шералиева**<br>(имзо) (Ф И О ) | Раҳбар ____ М.Рўзиева<br>(имзо) (Ф И О ) |
| М.У. | М.У. |

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабига жавоб беради.

Ҳуқуқшунос ____________ ____________________
(имзо) (Ф И О)

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:
Yakkabog' maktabgacha ta'lim bo'limi va "Asl go'sht servis maxsulotlari" xususiy korxonasi o'rtasidagi 286 907 000 ( Ikki yuz sakson olti million to'qqiz yuz yetti ming ) so'mlik go'sht mahsulotlarini sotib  sotib olish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:
Yakkabog' maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 20-yanvar.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yakkabog' tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **SH.Zoxidov.**

2022-yil «21» yanvar

Яккабоғ туман Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига озиқ-овқат махсулотлари харид қилиш учун танлов асосида шартнома тузиш комиссияси йиғилиши.

## БАЁННОМА № 333

"20" январ 2022 й

Яккабоғ тумани

Комиссия аъзолари:

Комиссия раиси: МТБ мудири: М.Рўзиева

Бош хисобчи: Х.Темиров

Бош хисобчи ёрдамчиси Р.Раҳмонов

Озиқ-овқат хисоби бўйича ҳисобчи: А.Бобоев

Шартномалар бўйича мутахассис: М.Қурбонова

Кун тартибида кўриладиган масала:

Яккабоғ туман Мактабгача таълим бўлимига қарашли тумандаги мактабгача таълим ташкилотларига озиқ-овқат махсулотлари харид қилиш бўйича таъминотчи корхоналар томонидан берилган тижорат таклифларни ўрганиб чиқиш. Комиссия раиси Яккабоғ туман Мактабгача таълим бўлими мудири М.Рўзиева сўзга чиқиб, мактабгача таълим ташкилотларига сифатли озиқ-овқат махсулотлари харид қилиш учун таъминотчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш лозим деди. Озиқ-овқат махсулотларининг сифатига алохида аҳамият бериш лозимлиги ҳақида айтиб ўтди, шу муносабат билан озиқ-овкат махсулотлари етказиб бериш борасидаги таъминотчи ташкилотлар томонидан таклиф этаётган нархлар арзонлигига аҳамият бериш кераклиги таъкидланди. Танловда қатнашган 3(уч) та таъминотчи ташкилотларнинг тижорат таклифларидаги нархлар кўриб чиқилиб қуйида танлов ўтказилди

| т/р | Махсулотлар рўйхати | Ўлчов бирлиги | "Асл гўшт сервис махсулотлари" х/к | "Абдурауфов Алишер Жамшидович" х/к | "Қашқадарё" у/т/с/к |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мол гўшти | кг | 61000 | 63000 | 65000 |

Комиссия аъзолари тижорат таклифларни кўриб чиқиб "Асл гўшт сервис махсулотлари" х/к берган тижорат таклифида кўрсатилган нархлар арзонлигини инобатга олган холда мазкур таъминотчи ташкилот билан шартнома тузишни таклиф этдилар. Комиссия аъзолари ушбуни хисобга олган ҳолда

Қарор қабул қилинди:

1."Асл гўшт сервис махсулотлари" х/к танлов ғолиби деб тан олинсин.

2."Асл гўшт сервис махсулотлари" х/к билан шартнома тузиш шартномалар бўйича мутахассис М.Қурбоновага юклатилсин.

3. Ушбу баённома ижросини назорат қилиш МТБ бош хисобчиси Х.Темировга юклатилсин.

Комиссия аъзолари:

Комиссия раиси: МТБ мудири: М.Рўзиева

Бош ҳисобчи: Х.Темиров

Бош хисобчи ёрдамчиси : Р.Раҳмонов

Озиқ-овқат хисоби бўйича ҳисобчи: А.Бобоев

Шартномалар бўйича мутахассис: М.Қурбонова

Яккабоғ ҚТБ мудири
М.Рўзиевога
_______________

O'ZB RESP
QASHQADARYO VIL
YAKKABOG' TUMANI
«ASIL GO'SHT
SERVICE MAHSULOTLAR»
XUSUSIY KORXONA
«01» 01 2022y
№ 01

# ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

„Асл гўшт сервис махсулотлари" Сизга шуни ёзиб маълум киламизки, хозирги кунда бизнинг корхонамизда куйидаги сифатли мол гўшти

Махсулотлари таклиф килади.

| Т/р | Махсулотлар(хизматлар) тури | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | мол гўшти | кг | 1 | 61000 | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| 6 | | | | | |
| 7 | | | | | |
| 8 | | | | | |
| 9 | | | | | |
| 10 | | | | | |
| 11 | | | | | |
| 12 | | | | | |
| 13 | | | | | |
| 14 | | | | | |
| 15 | | | | | |
| 16 | | | | | |
| 17 | | | | | |
| 18 | | | | | |
| 19 | | | | | |
| 20 | | | | | |
| 21 | | | | | |
| 22 | | | | | |
| 23 | | | | | |
| 24 | | | | | |
| 25 | | | | | |
| 26 | | | | | |
| 27 | | | | | |
| 28 | | | | | |
| 29 | | | | | |
| 30 | | | | | |
| 31 | | | | | |
| 32 | | | | | |
| 33 | | | | | |

Рахбар: ______________ (имзо)    Шеранова З (Ф.И.Ш)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QASHQADARYO VILOYATI YAKKABOG' TUMANI «ASIL GO`SHT SERVICE MAHSULOTLAR» XUSUSIY KORXONA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI
SHAHRISABZ SHAHRI
«ABDURAUFOV
ALISHER
JAMSHIDOVICH»
XUSUSIY KORXONASI
01 son
05 01 2022
181300, SHAHRISABZ SHAHRI
IPAK YO'LI KO'CHASI, 59-UY

Яккабоғ ИТБ мудири
в/б М. Рўзиевага

# ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

„Абдурауфов Алишер Жамшидович" Сизга шуни ёзиб маълум киламизки, хозирги кунда бизнинг корхонамизда куйидаги сифатли мол гўшти

Махсулотлари таклиф килади.

| Т/р | Махсулотлар(хизматлар) тури | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | мол гўшти | кг | 1 | 68000 | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| 6 | | | | | |
| 7 | | | | | |
| 8 | | | | | |
| 9 | | | | | |
| 10 | | | | | |
| 11 | | | | | |
| 12 | | | | | |
| 13 | | | | | |
| 14 | | | | | |
| 15 | | | | | |
| 16 | | | | | |
| 17 | | | | | |
| 18 | | | | | |
| 19 | | | | | |
| 20 | | | | | |
| 21 | | | | | |
| 22 | | | | | |
| 23 | | | | | |
| 24 | | | | | |
| 25 | | | | | |
| 26 | | | | | |
| 27 | | | | | |
| 28 | | | | | |
| 29 | | | | | |
| 30 | | | | | |
| 31 | | | | | |
| 32 | | | | | |
| 33 | | | | | |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QASHQADARYO VILOYATI SHAHRISABZ SHAHRI «ABDURAUFOV ALISHER JAMSHIDOVICH» XUSUSIY KORXONASI

Рахбар: ____________ А. Абдурауфов.

(имзо) (Ф.И.Ш)

UZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI
YAKKABOG' TUMANI
"QASHQADARYO"
ULGURJI TA'MINOT
SAVDO KORXONASI
05 01 2022
01
MANZIL 731527 YAKKABOG' SH
A.TEMUR KO'CHASI

Яккабоғ туман
МТБ мудири
б/б/б. М.Рўзиевага

# ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

"Қашқадарё" у.т.с.к Сизга шуни ёзиб маълум киламизки, хозирги кунда бизнинг корхонамизда куйидаги сифатли мол гўшти Махсулотлари таклиф килади.

| Т/р | Махсулотлар(хизматлар) тури | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | мол гўшти | кг | 1 | 65000 | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| 6 | | | | | |
| 7 | | | | | |
| 8 | | | | | |
| 9 | | | | | |
| 10 | | | | | |
| 11 | | | | | |
| 12 | | | | | |
| 13 | | | | | |
| 14 | | | | | |
| 15 | | | | | |
| 16 | | | | | |
| 17 | | | | | |
| 18 | | | | | |
| 19 | | | | | |
| 20 | | | | | |
| 21 | | | | | |
| 22 | | | | | |
| 23 | | | | | |
| 24 | | | | | |
| 25 | | | | | |
| 26 | | | | | |
| 27 | | | | | |
| 28 | | | | | |
| 29 | | | | | |
| 30 | | | | | |
| 31 | | | | | |
| 32 | | | | | |
| 33 | | | | | |

Рахбар: ____________ С. Ахмедов.

(имзо) (Ф.И.Ш)